

Рез. № 04-05/20
17.07.2025.

«ANOR BANK» АЖ
Кузатув кенгашининг
2025 йил «17» июлдаги
43 - сонли йиғилиш баённомаси
билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Кузатув Кенгаши раиси

Носиров Ш.Н.



«ANOR BANK» Акциядорлик жамиятининг жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш ҳамда санкциявий хатарларни олдини олиш бўйича ички назорат сиёсати (ЯНГИ ТАХРИР)

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. АТАМАЛАР ВА ҚИСҚАРТМАЛАР	4
III. БАНКДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ	9
IV. МИЖОЗЛАРНИ, ШУНИНГДЕК БЕНЕФИЦИАР МУЛҚДОРЛАРНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРИШ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ	9
V. ТАВАККАЛЧИЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ, БАҲОЛАШ, МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ, БОШҚАРИШ, КАМАЙТИРИШ ВА ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧ ЧОРАЛАР КЎРИШ ТАРТИБИ.....	22
VI. ЗАРУР БЎЛГАН АХБОРОТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА УНИНГ МАХФИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ	23
VII. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ТЎЛОВ АГЕНТЛАРИ ВА ТЎЛОВ СУБАГЕНТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ИШЛАШ ТАРТИБИ	26
VIII. МИЖОЗЛАРНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ УСТИДАН ДОИМИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ. ГУМОНЛИ ВА ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ.....	26
IX. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ОЛУВЧИ ВА (ЁКИ) ЖЎНАТУВЧИ ТЎҒРИСИДА ЗАРУР МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛМАГАН ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ПЎЛ ЎТКАЗМАЛАРИ АНИҚЛАНГАН ТАҚДИРДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР.....	32
X. НОРЕЗИДЕНТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШ ТАРТИБИ..	34
XI. РЎЙХАТГА КИРИТИЛГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ ДАРХОЛ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ВА ИШГА СОЛМАЙ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ. РЎЙХАТГА КИРИТИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ИШГА СОЛМАЙ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЁКИ БОШҚА МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНИШГА РУХСАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАЛАРИНИ МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИГА ЮБОРИШ ТАРТИБИ.....	35
XII. ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ МАҚСАДЛАРИДА ТЕХНОЛОГИК ЮТУҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР...	38
XIII. БАНК ТОМОНИДАН МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ СЎРОВЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ.....	39
XIV. БАНК ВА МИЖОЗЛАРНИНГ САНКЦИЯВИЙ ХАТАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР.....	39
XV. ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР..	40
XVI. ДЕПАРТАМЕНТ ДИРЕКТОРИ, ХОДИМЛАРИ ВА БОШҚА БЎЛИНМА ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....	40
XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	41

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “ANOR BANK” Акциядорлик жамиятининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш ҳамда санкциявий хатарларни олдини олиш бўйича ички назорат сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат) Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида “ANOR BANK” Акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда — банк) ички назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳамда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Сиёсат қуйидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган:

- Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни;
- «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидалари» (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май);
- «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисида»ги Низоми (рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19-октябр);
- «Мижозларни рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги»ги Низоми (рўйхат рақами 3322, 2021 йил 30-сентябр);
- «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 402, 2021 йил 29 июль);
- «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2-БОБ. АТАМАЛАР ВА ҚИСҚАРТМАЛАР

3. Мазкур Сиёсатда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва тўлов миқдорларини аниқлаш кўрсатилган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини аниқлаш учун фойдаланиладиган сумма;

бенефициар мулкдор — яқуний ҳолатда мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки миқдорни ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс ёхуд манфаати кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга ошириладиган юридик шахс;

ички ҳужжатлар — банк фаолиятини тартибга солувчи банкнинг ички ҳужжатлари;

ички назорат — банк миқдорларини лозим даражада текшириш, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ хатарларни бошқариш, гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш ҳамда террорчилик ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатиш фаолияти иштирокчиси ёхуд иштирок этишда гумон қилинадиган шахслар билан боғлиқ операцияларни аниқлашга доир фаолият;

Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар– жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;

ички назорат тизими – Ички назорат департаменти ва банкнинг бошқа бўлинмаларининг ушбу Сиёсат ва ички ҳужжатларда белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга йўналтирилган ҳаракатларининг бирлашуви;

Ички назорат департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) – банкда ички назоратни ва санкциявий хатарларнинг олдини олинишини амалга оширишга масъул банкнинг махсус бўлинмаси;

Ички назорат хизмати ходимлари – Ички назорат ва санкциявий комплаэнс департаменти ходимлари ва банк ҳудудий бўлинмаларида ички назоратни амалга ошириш учун масъул ходимлари;

банк ҳудудий бўлинмаси масъул ходими – банк ҳудудий бўлинмасида ички назоратни амалга оширишга масъул ходим;

масофавий хизматлар — миқдорнинг банкга келмаган ҳолда операцияни амалга ошириш имконини берувчи дастурлар ёрдамида операцияларни ўтказиш бўйича банк хизматлари;

пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

NCI – интеграциялаштирилган-автоматлаштирилган банк тизими;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш — банк томонидан қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори, шу жумладан уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

мижозни идентификациялаш — банк томонидан мижозни лозим даражада текшириш мақсадида мижозлар ҳақидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, очиқ манбалар ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган қўшимча тасдиқланган маълумотлар асосида аниқлаш;

юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси — чет давлатининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилмадир (фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари);

мижоз — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни (кейинги ўринларда — операция деб юритилади) амалга ошириш тўғрисида банкка топшириқнома (ариза, илтимоснома) билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишини олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

мижозни лозим даражада текшириш — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш, шунингдек мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг қандай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ – жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш;

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи (кейинги ўринларда – МВДО) томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати.

ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМҚК – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш;

шубҳали операция — тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назоратни ўтказиш вақтида банкда унинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида амалга оширилганлигига шубҳа пайдо бўлган операция;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

юқори мансабдор шахслар (кейинги ўринларда -ЮМШ) — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан ҳарбий тузилмаларида, ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан собиқ);

бир маротабалик операциялар — мижозлар томонидан банк ҳисобварағини очмаган ҳолда, камида бир ой давомида такрорланмайдиган, бир маротабалик тартибда амалга ошириладиган операциялар;

таваккалчилик — мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

гумонли операция — ички назоратни ўтказиш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида банкда гумон уйғотувчи ҳамда уни шубҳали операциялар туркумига киритиш (киритмаслик) ҳақида қарор қабул қилгунга қадар бўлган операция;

банк ходими — банк билан меҳнат муносабатларида бўлган ва бевосита меҳнат шартномаси бўйича ишларни бажарадиган шахс, шунингдек агентликлар орқали тузилган шартнома ва фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича жалб қилинган бошқа шахслар;

махсус ваколатли давлат органи (МВДО) — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

учинчи томон — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар;

FATF (Financial Action Task Force on Money Laundering) – Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи;

рақамли аутентификация – аввал идентификация қилинган мижоздан реал вақт режимида олинган фотосурат ёки видео тасвирни дастлабки идентификация маълумотлари билан автоматлаштирилган ҳолда (инсон омилисиз) солиштириш орқали мижознинг шахсини текшириш ва тасдиқлаш жараёни;

рақамли идентификация — ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда мазкур Сиёсатда белгиланган талаблар асосида мижознинг шахсини текшириш ва тасдиқлаш жараёни.

комплаэнс – молия муассасасининг амалдаги қонунлар, ваколатли органлар, касбий уюшмалар ва ушбу молия муассасасининг ички ҳужжатлари томонидан белгиланган қоидалар, кодекслар ва стандартларга мувофиқ бизнесни юритиш принципи;

санкция – ҳукумат ва халқаро молиявий ташкилотлар томонидан айрим юқори хавф тоифасидаги мамлакатлар, уларнинг молиявий ташкилотларига, маълум гуруҳ ва шахсларнинг исталмаган хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш/чеклаш, ноқонуний фаолиятларни таъқиқлаш ва уни бартараф этиш учун муаъян оқибатларни келтирувчи чоралар мажмуи;

иккиламчи санкциялар – бу санкциядаги шахслар билан ўзаро алоқада бўлган ёки тақиқланган битимлар тузадиган, яъни санкцияларни бузишга ва четлаб ўтишга ҳаракат қилган хорижий шахсларга нисбатан қўлланиладиган экстерриториал санкциялар;

секторал санкциялар – маълум бир мамлакатнинг айрим тармоқларига ва муайян соҳаларига (масалан — банклар, нефть саноати корхоналари, мудофаа саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) нисбатан тақиқлар ва чекловлар қўллаш;

секторал санкцияларни аниқлаш - иқтисодиётнинг маълум секторларида ишлаётган шахсларга нисбатан қўлланилган таъқиқдаги битимлар ва операцияларни/транзакцияларни мазмун ва моҳиятига кўра аниқлаш жараёни;

санкцияланган юрисдикция - ҳар қандай мамлакат ёки ҳудудни, унинг ичида ёки улар билан боғлиқ бўлган операцияларини кенг қамровли чеклаш ёки таъқиқга дучор бўлган мамлакат/ҳудудлар жамламаси;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг санкциялари (БМТ рўйхати) – БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциялар рўйхати, БМТ га аъзо барча давлатлар учун амал қилади;

OFAC (Office of Foreign Assets Control) - АҚШ Ҳазначилик департаментининг хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси;

OFSI (Office of Financial Sanctions Implementation) - Молиявий санкцияларни амалга ошириш бошқармаси;

Fin Cen (Financial Crimes Enforcement Network) - АҚШнинг Молиявий жиноятларга қарши курашиш тармоғи;

BIS (Bureau of Industry and Security) – АҚШнинг Савдо вазирлиги ҳузуридаги Саноат ва хавфсизлик бюроси;

SDN (Software-defined networking) - Махсус фуқаролар ва таъқиқланган шахслар рўйхати;

SWIFT (Society for Worldwide Interbank Financial Telecommunications) – Халқаро тўлов тизими, дунё бўйича 11 мингдан ортиқ молиявий институтларни бирлаштирувчи ахборот алмашиш тизими ҳисобланади. Бельгияда жойлашган ва Европа Иттифоқи қонуни бўйича фаолият юритади.

санкциялар рўйхати – АҚШнинг OFAC, OFSI, Fin Cen, BIS ташкилотлари, Европа иттифоқи, Буюк Британия ва бошқа хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ташкилотлари томонидан мамлакатлар, юридик ёки жисмоний шахслар, маълум турдаги маҳсулотлар, молиявий операциялар бўйича эълон қилинадиган ёки ишончли, расмий манбаалар орқали тақдим этиладиган рўйхат, шунингдек соҳавий ёки экспорт назорати бўйича қўшимча санкциялар рўйхати;

санкциявий рисклар – контрагент, унинг таъсисчиси, бенефициар ёки назорат қилувчи шахснинг халқаро санкцияларга дучор бўлиш эҳтимоли, шунингдек, иккинчи даражали санкциялар остида қолиш эҳтимоли;

транзакцияларни текшириш – санкциялар рўйхатига киритилган жисмоний ёки юридик шахслар иштирокидаги операцияларни аниқлашга доир жараён;

минимал солиштириш миқдорлари – NCI дастурининг Ички назорат модулидаги хизматлар йўналишлари билан автоматик тарзда солиштиришда кўрсатилган параметрларнинг (исм, фамилия, юридик шахс номи маҳсулот тури ва бошқалар) минимал ўхшашлик коэффитсиенти миқдори;

мижозларни текшириш – банк хизматларига мурожаат қилишда, рўйхатдан ўтиш жараёнида ёки мижознинг банк билан муносабатларининг бутун даври давомида санкцияланган жисмоний ёки юридик шахсни аниқлаш;

молиявий санкция рўйхатдагиларни текшириш — санкциялар бўйича чекловлар қўлланилган шахслар/мамлакатлар/банклар/маълум тармоқ фаолиятини амалга ошириш хавфини камайтириш мақсадида операция иштирокчилари, мижозлар, уларнинг бенефициар мулкдорларини, контрагент ва уларнинг жойлашган мамлакати/банклари, шу жумладан оммавий мансабдор шахслар () тўғрисидаги мавжуд маълумотлар билан таққослаш;

операция иштирокчилари – мижозлар, уларнинг вакиллари, мижознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари (халқаро операциялар бўйича корреспондент ва воситачи молия институтларини инобатга олган ҳолда), шунингдек мижозга алоқадор шахслар (назорат қилувчи ёки назорати остидаги шахслар);

тўлиқ мос келиши – мижоз ёки операция иштирокчисининг идентификация (солиштириш) маълумотлари Санкция ва тақиқлар рўйхатида келтирилган барча тегишли маълумотлар билан аниқ ва бир хилда бўлиши;

номинант — жисмоний (жисмоний шахслар гуруҳи) ёки юридик шахс томонидан унинг номидан ташкилотга нисбатан муайян мақомда иш юритиш учун тайинланган жисмоний ёки юридик шахс;

номинатор — номинантга бевосита ёки билвосита ўз номидан директор ёки акциядор сифатида ҳаракат қилиш тўғрисида кўрсатма берадиган жисмоний (жисмоний шахслар гуруҳи) ёки юридик шахс;

аниқлик даражаси — банкининг автоматлаштирилган ахборот тизимларида операция иштирокчиларидан бирининг идентификация маълумотлари Рўйхатдаги шахсларнинг идентификация маълумотлари билан солиштириш жараёнида мос келиш даражасини ифодаловчи кўрсаткич.

3-БОБ. БАНҚДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ

4. Банкнинг ички назорат тизими банк ишининг жиҳатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, агентлар, субагентлар, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

5. Ички назорат тизимининг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга йўналтирилган операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

банкнинг қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига, унинг устав фонди (капитали)га жиноий фаолият натижасида олинган капиталнинг, шунингдек банкни бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб келишига йўл қўймаслик;

таваккалчиликларни аниқлаш, уларни баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва пасайтириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчилик талабларига ва қонунчиликнинг банк фаолиятига нисбатан қўлланиладиган бошқа талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

банк ва мижозларга нисбатан иккиламчи санкция қўлланилишини олдини олиш.

4-БОБ. МИЖОЗЛАРНИ, ШУНИНГДЕК БЕНЕФИЦИАР МУЛҚДОРЛАРНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРИШ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

6. Банк қуйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўради:

а) хўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда, шу жумладан:

юридик ёки жисмоний шахс банк ҳисобварағини (омонатни) очиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

жисмоний шахс банк картасини олиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

юридик ва (ёки) жисмоний шахслар банк томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни харид қилиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

юридик ва (ёки) жисмоний шахслар банк устав капиталининг бир фоизга тенг ёки ошадиган суммада унинг акцияларига эгалик қилганда;

жисмоний шахс кредит олиш ёки банк депозит ячейкаларида қимматбаҳо буюмларни сақлаш хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилганда.

б) бир марталик операциялар, шу жумладан улар ўзаро боғлиқ бўлган бир ёки бир нечта операцияни бажариш орқали амалга оширилаётган қуйидаги ҳолларда:

базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда – «БХМ») нинг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада мижозлар томонидан банк кассаларидан бошқа банк томонидан берилган банк карталари орқали нақд чет эл валютаси олиншида;

жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдорда чет эл валютасининг сотиб олишда;

БХМнинг 500 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада банк ҳисобварағини очмасдан ёки ҳисобварақдан фойдаланмасдан, операцияларни амалга оширишда;

мазкур сийosatда ўрнатилган ҳар қандай истисноларга қарамасдан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда;

банк мижози тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига ёки етарли эканлигига нисбатан гумонлар мавжуд бўлганда.

7. Банк ходими томонидан мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чоратadbирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

мижознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиш, иАБСга мижоз тўғрисидаги маълумотларни киритиш;

мижоз номидан иш кўраётган шахсни идентификация қилиш, шахсини ва ваколатларини тегишли ҳужжатлар асосида текшириш, иАБСга мижоз тўғрисидаги маълумотларни киритиш;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш, иАБСга бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни киритиш;

мижознинг ўрнатилган иш муносабатлари ёки ўтказилиши режалаштирилаётган операцияларининг мақсади ва характерини ўрганиш;

мижоз томонидан амалга ошириладиган иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти, таваккалчилик хусусияти, шу жумладан зарур бўлганда маблағлар манбаси тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

8. Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда банк, шу жумладан, унинг тўлов агентлари ва (ёки) субагентлари орқали ҳаракат қилганда, банк ходими бу ҳақда ҳудудий бўлинма маъсул ходимини хабардор қилиши шарт. Ҳудудий бўлинма маъсул ходими бу маълумотни Департаментга етказди у эса МВДОга хабар бериши лозим. Шунингдек, банк ходими ўрнатилган тартибда бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим. Банк қуйидаги ҳолларда мижозга операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақлидирлар:

юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили), бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахс аниқ бўлмаган тақдирда;

мижоз олдиндан била туриб ишончсиз ҳужжатларни тақдим этганда ёки қонунчиликка мувофиқ сўралган ҳужжатларни тақдим этмаганда;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

9. Банкка қуйидагилар таъқиқланади:

аноним шахсларга, яъни, ҳисобварақ (омонат) очаётган жисмоний ёки юридик шахслар томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда, ҳисобварақ (омонат) очиш;

ўйлаб чиқарилганлиги аниқ бўлган ҳужжатлар билан тасдиқланмаган номларга ҳисобварақлар очиш;

ҳисобварақ очаётган шахснинг ёхуд унинг ваколатли вакилининг шахсан иштирокисиз ҳисобварақ очиш, шунингдек банкка аввал тақдим этилган, текширув жараёнида ҳақиқий ва верификация қилинган ҳужжатлар асосида идентификация қилиш имконияти мавжуд бўлганда ҳамда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилган ёки банк томонидан биометрик маълумотлар асосида идентификация қилинган мижозларга ҳисобварақ очиш, шунингдек операцияни амалга оширган учинчи шахс мижозларни лозим даражада текшириш натижаларига асосланган ҳолда банкнинг ишонган ҳолатлари бундан мустасно;

ўзлари ва доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида жойлашмаган норезидент-банклар билан муносабат ўрнатиш ва давом эттириш;

тақдим этувчига қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситалар чиқариш;

мижозни идентификацияламасдан чет эл валютасидаги пул маблағларини олиш ёки жўнатиш бўйича хизматларни кўрсатиш, шу жумладан, халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар ҳудудида шўба банклари, филиаллар ёки ваколатхоналар ташкил этиш;

ФАТФ ташкилотининг қора рўйхатидаги Шимолий Корея, Эрон ва Мянма давлатлар фуқаролари ҳамда юридик шахслари билан ҳамкорлик ўрнатиш, уларга ҳисоб рақам очиш ва банк операцияларини бажариш.

10. Банк мавжуд мижозларга нисбатан уларнинг аҳамияти ва таваккалчиликлардан (паст ва юқори) келиб чиққан ҳолда лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўриши ва тегишли вақтда бундай мавжуд муносабатларни лозим даражада текширишни, бундай текширишлар қачон ўтказилганлиги ва умуман ўтказилган ёки ўтказилмаганлигини ҳамда олинган маълумотларни етарлилигини ҳисобга олган ҳолда ўтказиши керак.

11. Таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида масофадан банк ҳисобварағини очиш учун ариза билан мурожаат қилганда, мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда- рўйхатдан

ўтказувчи орган) томонидан амалга оширилганда ва банк рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасига ишониши мумкин. Бунда банк:

мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

рўйхатдан ўтказувчи органнинг миждозларни лозим даражада текшириш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларга амал қилинишига ишонч ҳосил қилиши керак.

12. Миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилганда, банк миждоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни таваккалчиликдан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади. Бунда банк ҳисобварағи шартнома офертасида миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар банк томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилиши лозим.

13. Банк миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишониши мумкин.

14. Миждознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиш, миждоз номидан иш кўраётган шахсни идентификация қилиш, шахсини ва ваколатларини тегишли ҳужжатлар асосида текшириш ҳамда миждознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда, миждозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнгги жавобгарлик банкнинг зиммасида қолади. Бунда банк:

миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни (электрон тизимлар орқали) кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхасини сўров асосида кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мазкур Сиёсат асосида ишлашига ишонч ҳосил қилиши керак.

15. Сиёсатнинг 13-бандида кўрсатилган талаблардан бири бажарилмаган тақдирда, банк миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга ошириши лозим.

16. Банк миждоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчилигидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади ҳамда миждозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақли. Банк шартномада ва (ёки) шартнома офертасида миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар банк томонидан амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиши лозим.

17. Миждоз ёки миждоз томонидан амалга оширилаётган операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда банк ушбу миждозга нисбатан қуйидаги лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўриши шарт:

миждоз ҳақида очиқ манбалар ва маълумотлар базаларидан қўшимча тасдиқланган маълумотларни тўплаш ва қайд этиш;

мижоз томонидан амалга ошириладиган операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни олиш;

мижоз томонидан ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг мақсадларини ўрганиш;

мижоз томонидан амалга ошириладиган юқори даражадаги таваккалчиликка эга бўлган операциялар устидан доимий мониторинг юритиш.

18. Мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини, айнан мижоздан, у томонидан амалга ошириладиган операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни олиш ва (ёки) мазкур мижоз томонидан ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг мақсадларини ўрганишни амалга ошириш имкони бўлмаган тақдирда банк бу ҳақда МВДОга хабар бериши керак ва бундай мижоз билан амалий иш муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишни рад этиши керак.

Банк ахборот тизимларидаги аниқлик даражасини ҳар бир хизмат ёки операция тоифасининг таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаши керак.

Аниқлик даражаси операция иштирокчилари идентификация маълумотларининг ҳар бир элементи бўйича алоҳида белгиланиши лозим.

19. Лозим даражада текшириш бўйича кучайтирилган чора-тадбирларни қўллаш доирасида олинган мижоз ва унинг операциялари тўғрисидаги барча маълумотлар Ички назорат хизмати томонидан асосланган хулосада шакллантирилади ва у мижозга тегишли ҳужжатларда сақланади.

20. Мижознинг таҳлили натижаларига кўра, Ички назорат хизматининг асосли хулосасида ҳисобварақ бўйича амалга оширилган операцияларнинг иқтисодий маъносини, фаолиятнинг хусусиятини, мижознинг ҳақиқий фаолиятини тасдиқловчи мажбурий тўловларнинг мавжудлигини, омборхоналарга бўлган эҳтиёжини, ходимлар штатини акс эттиради, шунингдек мижоз операцияларининг табиати ва кўлами, банк билан ишбилармонлик муносабатларининг мўлжалланган хусусиятини ва режалаштирилган операцияларга мувофиқлигини баҳолайди ва лозим даражада текшириш бўйича кучайтирилган чора-тадбирларни қўллаш доирасида олинган маълумотларни акс эттиради.

21. Мижозга бевосита хизмат кўрсатувчи банк ходимлари, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда шубҳа туғдирувчи маълумотларни аниқлаштириш ва (ёки) тасдиқлаш мақсадида учрашув ташкил этиши мумкин. Асосланган хулосани шакллантириш учун мижоз томонидан кўрсатилган манзилга сайёр текширув амалга оширилади. Мижознинг сайёр текшируви натижасида олинган маълумотлар асосланган хулосани шакллантириш учун Ички назорат хизматига тақдим этилади.

22. Ички назорат хизмати мижознинг молиявий-хўжалик фаолиятининг мақсадларини, молиявий ҳолати ва ишбилармонлик обрўсини ўрганади, мижозни лозим даражада текшириш натижасида олинган ҳужжатларни таҳлил қилади ва мижознинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан мумкин бўлган алоқаси ҳақида асосли

фикрни шаклантиради. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича кучайтирилган чора-тадбирларни қўллаш натижаларига кўра ва асослангилган мулоҳазага кўра, Ички назорат хизмати юзага келган вазиятда банкнинг жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишдаги иштирокини чеклаш учун оқилона ва мавжуд чораларни кўради.

23. Банк ходими мижоз ёки бенефициар мулкдорнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан чет эл ЮМШ эканлигини аниқлаш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш тизимларидан фойдаланишлари шарт ва мижозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида қайд этилган чораларни қўллаш билан бирга, мижоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган ЮМШга нисбатан қуйидигиларни амалга ошириши лозим:

ЮМШни аниқлаш жараёнида ЮМШнинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чоралар кўриши;

ЮМШ билан амалий иш муносабатларига фақатгина банк Бошқаруви раиси ёки тегишли ваколатга эга бўлган банк Бошқаруви раисининг ўринбосари рухсати билан киришиши (ёки мавжуд мижозлар учун давом эттириш);

амалий иш муносабатларини мунтазам равишда чуқур мониторинг қилиб бориш.

24. Банк юқоридаги чораларни ЮМШларнинг оила аъзоларига ёки ЮМШга яқин шахсларга нисбатан ҳам кўриши керак.

25. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдори идентификацияси мазкур Сиёсатнинг қуйидаги иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади:

1-илова — Жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотлар;

2-илова — Юридик шахсларни идентификациялаш жараёнида мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотлар;

3-илова — Хусусий тадбиркорларни идентификациялаш жараёнида мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотлар;

4-илова — Мижозлар томонидан режалаштирилган ёки амалга оширилган шубҳали операциялар тўғрисидаги маълумотлар, мижозларни текширишнинг тегишли ва кенгайтирилган чора-тадбирларини қўллаш.

26. Мижозни (жисмоний шахсни) идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ИД-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат) ёки мижознинг биометрик маълумотлари асосида банк ходими томонидан амалга оширилади.

27. Бунда банк мижозни (жисмоний шахсни) идентификация қилишда:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ИД-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат) нинг асли билан танишиб чиқиши лозим;

биометрик маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизими билан верификация қилиши лозим.

28. Юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириладиганда банк улардан қуйидагиларни олишлари лозим:

юридик шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлари;

юридик шахсларнинг раҳбарлари тўғрисидаги ҳамда таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни;

олинган лицензия ва рухсатномаларнинг нусхаларини.

Мазкур маълумотлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими орқали олинадиган, ушбу тизимдан маълумотларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар бевосита мижозни ўзидан олинадиган.

29. Юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида банк ходими пировард натижада ишончли манбадан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан қуйида келтирилган маълумотларни ўрганиш орқали, бенефициар мулкдорнинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни кўриши керак:

мижознинг мулк ва бошқарув тузилмаси;

мижознинг таъсисчилари (жамият акцияларининг/улушларининг камида ўн фоизга эга бўлган акциядорлари/иштирокчилари) тўғрисидаги маълумотларни;

пировардида юридик шахснинг улушига (камида ўн фоиз) эгаллик қилувчи жисмоний шахс(лар)нинг (агар мавжуд бўлса) шахсий маълумотларини;

агар кўрилган чоралар бўйича назорат қилувчи улушга эга бўлган шахс бенефициар мулкдор эканлигига шубҳа туғилса ёки улушга бўлган мулк ҳуқуқи бошқарувини амалга оширувчи шахслар бўлмаса, юридик шахс устидан назоратни бошқа усуллар билан амалга оширадиган шахс(лар)нинг (агар мавжуд бўлса) шахсий маълумотларини.

Банк юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида мижознинг директори ёки таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) номинант эканлиги аниқлаган тақдирда, бу ҳақида ва номинатор тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар бериши лозим.

30. Кўрилган тегишли чоралар бенефициар мулкдорни аниқлаш имконини бермаса, банк ходими мижозни юқори раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахсни идентификация қилиши ва унинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни кўриши керак.

31. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдори ўртасида тегишли текширув ўтказишнинг иложи бўлмаса ва маълумотларнинг ишончилигига шубҳа туғилса, банк операцияларини амалга оширишдан олдин банк ходими музокаралар олиб боради ва юридик ёки жисмоний шахснинг раҳбари номига зарур маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги, банк ҳудудий бўлинмаси раҳбари томонидан имзоланган хатни юборади.

32. Банкнинг масъул ходими мижозни (юридик шахсни) батафсил ўрганиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

мижознинг таъсисчилари таркибига, мижознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгаллик қиладиган шахсларни аниқлашга;

мижоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

мижоз устав фонди (капитали)нинг миқдорига.

33. Юридик шахс — чет эл тузилмаларига нисбатан ушбу Сиёсатда юридик шахслар учун белгиланган талаблар қўлланилади.

34. Мижозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада амалда бўлиши шарт.

35. Банк ходими мижоз тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига тўғри киритиш шарти билан мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси билан мустақил равишда танишиши шарт.

36. Мижозлардан олинган ахборотлар (ҳужжатлар) ишончилигига шубҳалар мавжуд бўлганда, банк ходимлари ушбу ахборотларни (ҳужжатларни) Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигинингнинг ахборот тизими орқали текшириш (верификациялаш) чораларни қўришлари лозим. Банк ходимлари тегишли ташкилотларга мижозлар ҳақидаги ахборотларнинг (ҳужжатларнинг) ишончилигини (ҳақиқийлигини) аниқлаштириш учун мурожаат қилишлари мумкин.

37. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини қайта идентификациялаш, банк ходимида аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар ишончилигига гумон туғилган ёки операция мижоз фаолиятининг хусусиятига мос келмаган тақдирда амалга оширилиши лозим.

38. Агар банк ходими ушбу Сиёсатга мувофиқ мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини илгари идентификациялаган бўлса, мижоз ва бенефициар мулкдорни қайта идентификация қилиш мажбурий эмас.

39. Норезидент-банк билан вакиллик муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида норезидент-банкни идентификациялашдан ташқари, банк қуйидагиларни амалга ошириши керак: норезидент-банкнинг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиш;

очик маълумотлар асосида норезидент-банкнинг обрўсини ва назорат сифатини, шу жумладан, ушбу банкка нисбатан ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга оид қоидабузарликлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилган ёки борилмаганлигини ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан унга нисбатан чоралар қўрилганини аниқлаш;

норезидент банк томонидан ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни баҳолаш;

«транзит ҳисобварақлар»га нисбатан — банк-респондент банк-корреспондентдаги ҳисобварақлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга ўз мижозини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрганлиги, шунингдек мижоз тўғрисида зарур бўлган идентификация натижасида олинган маълумотларни банк-корреспондентнинг сўровига асосан тақдим қилиш имкони мавжудлиги бўйича тегишли тасдиқни олиш;

транзит ўтказмаларини амалга ошириш мақсадида бошқа банклар билан муносабатларни ўрнатишда электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш;

корреспондентлар ўртасида мажбуриятларнинг аниқ ва тўлиқ тақсимланишини таъминлаш;

вакиллик муносабатлари ўрнатилаётган норезидент-банклар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий

қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар қўлланилаётганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиши керак.

40. Норезидент-банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатишда, банк:

улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари бўлмаган банклар томонидан ҳисобварақлари фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлган норезидент-банклар билан муносабатлар ўрнатилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўриши шарт;

халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишида мазкур ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов тафсилотлари ва бошқа маълумотларни банк-корреспондентлар билан ўзаро алмашиши мумкин;

жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган ери (почта манзили) ва ҳисобрақами) тақдим этилмаган ёхуд қисман тақдим этилган халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларга алоҳида эътибор қаратиши ва батафсил таҳлил қилиши лозим;

ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда жойлашган ўзининг чет элдаги шўба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириши керак;

ўзларининг чет элдаги шўба банклари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар қонунчилик ҳужжатларида тақиқ мавжудлиги сабабли, ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, банкнинг Бош офисига ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдир. Ўз навбатида банк бу ҳақда Марказий банкка ва МВДОга хабар бериши ва ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш бўйича тегишли қўшимча чораларни кўриши шарт.

41. Норезидент банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қарор банк Бошқаруви томонидан, Департамент ва Ғазначилик департементи, Бухгалтерия ҳисоби департаменти, Ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро молиявий институтлар билан ишлаш департаментларининг хулосасига мувофиқ қабул қилинади.

42. ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар ҳудудида жойлашган норезидент-банклар ёки уларнинг шўба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари билан вакиллик муносабатларини давом эттириш жараёнида Департамент ва Ғазначилик департементи, Бухгалтерия ҳисоби департаменти, Ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро молиявий институтлар билан ишлаш департаментларининг улар билан амалга оширилаётган барча операцияларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

43. Норезидент-банк томонидан ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар талаблари бузилиши ҳолатлари ҳақида ахборот мавжуд бўлган тақдирда, банк Бошқаруви ушбу вакил банк билан ҳамкорликни тўхтатишгача бўлган тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши керак.

44. Банкнинг чет элдаги шўба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари агарда улар жойлашган мамлакатнинг қонунчилигида банкнинг мазкур Сиёсатига нисбатан енгилроқ ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур Сиёсатга риоя қилишлари керак.

45. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда банк, шу жумладан, у ўзининг тўлов агентлари ва (ёки) тўлов субагентлари орқали ҳаракат қилганда, олинган маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда МВДО томонидан шакллантириладиган ва банкка тақдим қилинадиган Рўйхат ҳамда ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт.

46. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда банк мазкур Сиёсатнинг 10-бобида кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

47. Мижозларни рақамли идентификация ва аутентификация қилишда банк:
мижозларнинг идентификация маълумотларини ҳимоя қилиш бўйича зарур бўлган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриши;

идентификация маълумотларининг ишончлилиги ва тўғрилигини таъминлаши;

идентификация маълумотларининг сохталаштирилишига, рухсатсиз ўзгартирилишига ва ошкор қилинишига қарши чораларни кўриши;

идентификация маълумотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

тўлов хизматларини кўрсатишда ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ операцион хатарларни камайтириш ва уларни назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар тизимини, шу жумладан мижозни рақамли идентификация қилиш пайтида хавфсизликни таъминлаши;

алоқа каналлари орқали банк хизматларидан фойдаланишда мижоз учун кўп факторли аутентификация (мобил телефонга боғланиш ёки СМС хабар юбориш ёхуд электрон почта, шунингдек ижтимоий тармоқлар орқали мижознинг шахсини қўшимча равишда текшириш ва тасдиқлаш) тартиб-қоидаларини қўллаши;

Ўзбекистон Республикасининг соҳага доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ахборот хавфсизлиги бўйича зарурий талабларни қўллаши керак.

48. Рақамли идентификация Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

49. Мижозларни рақамли идентификация қилишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлашган бўлиши;

ахборотни узатишда ўзаро шифрлашни таъминлаши;

фақат реал вақт режимида яратилган фотосурат ва (ёки) видеотасвирдан фойдаланишни таъминлаши;

фотосурат ва (ёки) видеотасвирни алмаштириш ҳамда бузишдан, илгари яратилган фотосурат ва (ёки) видеотасвирдан фойдаланишдан ҳимояланган бўлиши;

идентификация қилишда мижозлар томонидан бошқа мижозларнинг фотосурати ва (ёки) видеотасвирдан фойдаланишга бўлган уринишларни аниқлаш имконини бериши.

50. Мижозни рақамли идентификация ёки рақамли аутентификация қилишда қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

фотосурат ва (ёки) видеотасвир рангли бўлиши;

видеотасвир товушли бўлиши;

фотосурат ва (ёки) видеотасвирда мижознинг ўзидан бошқа шахслар бўлишига йўл кўйилмаслиги;

мижознинг юзи қисман ёки тўлиқ яширилмаган бўлиши, мижознинг юзига соя тушмаслиги, шунингдек мижоз юзни қоплайдиган кўзойнакда (шаффоф ойнали кўзойнакдан ташқари) бўлмаслиги;

фотосурат ва (ёки) видеотасвирда мижознинг юзи яққол кўриниши.

51. Рақамли идентификация доирасида қуйидагилар талаб этилади:

мижоздан мазкур Сиёсат талабларига мувофиқ 1, 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг (биометрик паспорт ёки идентификация ИД-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасининг) фотосуратларини сўраш;

мазкур Сиёсат талабларига мувофиқ мижознинг фотосуратини ва (ёки) видеотасвирини қабул қилиш;

«Электрон ҳукумат» тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базасига (кейинги ўринларда –Марказий маълумотлар базаси) сўров юбориш орқали маълумотларни солиштириш;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатда жойлашган фотосуратни мазкур Сиёсатга мувофиқ қабул қилинган фотосурат ва (ёки) видеотасвир билан, шунингдек, Марказий маълумотлар базасида жойлаштирилган фотосурат (мавжуд бўлса) билан солиштириш;

мижоз билан боғланишда фойдаланиладиган мобил телефон рақамини айнан ушбу мижоз томонидан фойдаланилаётганлигини аниқлаш имконини берувчи усул (мобил телефонга боғланиш, СМС хабар юбориш ва бошқалар) ёрдамида текшириш;

мижозни мазкур Сиёсатга мувофиқ юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига кириши ёки кирмаслиги нуқтаи назаридан текширувни амалга ошириш.

52. Мижозни идентификация қилиш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларнинг мижозга тегишли эканлигини текшириш учун мижозга бевосита хизмат кўрсатувчи банк ходими у билан видеоқўнғироқ (видеоконференция) ўтказди.

53. Рақамли аутентификация қилиш доирасида қуйидагилар талаб этилади:

а) мижоздан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт ёки идентификация ИД-картаси ёхуд янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси) церийаси ва рақамини ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШШИР) ва туғилган санасини ёхуд ушбу маълумотлардан барчасини ҳамда мазкур Сиёсатга мувофиқ фотосуратини ёки видеотасвирини реал вақт режимида олиш;

б) Марказий маълумотлар базасига сўров юбориш ва мижознинг қуйидаги шахсий маълумотларини олиш:

рақамли фотосурати (агар мавжуд бўлса);

ЖШШИР;

биометрик паспорт ёки идентификация ИД-картасининг берилган санаси, унинг амал қилиш муддати ҳамда берилган жойи;

давлат тилида фамилияси, исми, отасининг исми (лотин ёзувида);

жинси, туғилган мамлақати, туғилган жойи, миллати, фуқаролиги ҳамда доимий ёки вақтинча яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар.

д) мижоздан мазкур Сиёсатга мувофиқ олинган фотосуратни ёки видеотасвирдаги фотосуратни шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги, шунингдек Марказий маълумотлар базасидан олинган фотосурат билан (агар мавжуд бўлса) солиштириш (инсон омилисиз);

э) мижоз билан боғланишда фойдаланиладиган мобил телефон рақамини айнан ушбу мижоз томонидан фойдаланилаётганлигини аниқлаш имконини берувчи усул (мобил телефонга боғланиш, СМС хабар юбориш ва бошқалар) ёрдамида текшириш;

ф) қабул қилинган маълумотларни мазкур Сиёсатга мувофиқ рўйхат билан автоматлаштирилган ҳолда (инсон омилисиз) солиштириш.

54. Банк мижозни рақамли идентификация қилишда ўз ахборот тизимларидан ёки шартнома асосида учинчи шахслар томонидан тақдим этилган ахборот тизимларидан фойдаланади.

55. Рақамли идентификация қилиш қуйидаги хизматларни кўрсатишда қўлланилиши мумкин:

электрон ҳамёнларни очиш ва уларни бошқариш;

банк ҳисобварағини, шунингдек банк картасини очиш ва уларни бошқариш;

банк карталари ёки электрон пуллар тизимларидан фойдаланилган ҳолда трансчегаравий пул ўтказмаларини амалга ошириш;

онлайн-микроқарз олиш.

56. Банк рақамли идентификация ёки рақамли аутентификация қилган ҳолда мижозга тегишли банк карталарини масофадан туриб блокдан чиқариши мумкин.

57. Банк мазкур Сиёсатда рақамли идентификациядан ўтган мижозлар билан амалга ошириладиган қуйидаги операцияларга нисбатан таваккалчилик даражасини баҳолаган ҳолда чекловларни ўрнатади:

электрон пуллар эгаси томонидан амалга ошириладиган бир операциянинг максимал суммаси;

электрон пуллар эгасининг битта электрон қурилмасида сақланаётган электрон пулларнинг максимал суммаси;

электрон пуллар эгаси томонидан календарь ой давомида амалга оширилган транзакциялар суммасининг йиғиндиси;

банк ҳисобварағининг (картасининг) эгаси томонидан календарь ой мобайнида амалга ошириладиган транзакциялар суммасининг йиғиндиси;

онлайн-микроқарз миқдори.

58. Банк мижозларни рақамли идентификация қилиш ва аввал идентификация қилинган мижозларни рақамли аутентификация қилиш юзасидан ҳар бир мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларга таваккалчилик даражасини баҳолаган ҳолда чекловлар ўрнатиши мумкин. Бунда, банк мижозларни Сиёсатга мувофиқ лозим даражада текширишлари ва скоринг таҳлилини амалга оширишлари керак.

59. Қуйидаги ҳолатларда мижозлар рақамли идентификация қилинмайди:

мижоз ва (ёки) мижоз томонидан амалга оширилаётган операция мазкур сиёсатга мувофиқ юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига кирган тақдирда;

мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги фотосуратнинг ушбу Сиёсатга мувофиқ олинган фотосурат ва (ёки) видеотасвир ҳамда Марказий маълумотлар базасига жойлаштирилган фотосурат билан (агар мавжуд бўлса) мослигига шубҳа мавжуд бўлганда;

мижоздан олинган маълумотлар Марказий маълумотлар базасига жойлаштирилган маълумотларга мос келмаганда ёки мос келишини текширишнинг иложи бўлмаганда;

фотосурат ва (ёки) видеотасвир мазкур Сиёсат талабларига мос келмаганда;

ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда.

60. Рақамли идентификация қилишда (мижознинг барча идентификация маълумотлари рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан қисман ёки тўлиқ мос келган тақдирда) банк мазкур Сиёсатда назарда тутилган чораларни кўради.

61. Мижозни рақамли идентификация қилиш натижаси бўйича мижоз анкетасини тўлдириш ва юритиш мазкур Сиёсатда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

62. Банк мижозни рақамли идентификация ва рақамли аутентификацияси сифати учун жавобгардир.

63. Банк мижозларни рақамли идентификациядан ўтказиш амалга оширилганидан сўнг, 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботни тақдим этади:

мижозларни рақамли идентификация қилиш тизимини йўлга қўйиш санаси;

мижозларни рақамли идентификация қилиш жараёнларининг тўлиқ тавсифи;

банк томонидан мижозларни рақамли идентификация қилиш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхати.

64. Мижозларни рақамли идентификация қилиш йўли билан олинган маълумотлар, яъни мижозлардан олинган фотосуратлар ва (ёки) видеотасвирлар, мижоз шахсини текшириш ва идентификация қилиш амалга оширилган аниқ сана ва вақти қайд этилган ҳужжатлар, шунингдек Марказий маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда маълумотларни текшириш натижалари мижозлар анкеталари билан биргаликда мазкур Сиёсатга мувофиқ 5 йил давомида сақланиши шарт.

65. Банкнинг ахборот тизимлари рақамли идентификация ва рақамли аутентификация қилинган мижозлар ва уларнинг сони ҳақида тезкор маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим.

66. Банк мижозни рақамли идентификация қилиш натижасида олинган маълумотларга ўзгартиришлар киритишда ушбу Сиёсат талабларига амал қилиши керак.

5-БОБ. ТАВАККАЛЧИЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ, БАҲОЛАШ, МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ, БОШҚАРИШ, КАМАЙТИРИШ ВА ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР КЎРИШ ТАРТИБИ

67. Банк эҳтимоли мавжуд таваккалчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, ҳужжатлаштириш ва уни камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриши керак. Банк ўз фаолиятида, тизимли равишда, эҳтимоли мавжуд таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши шарт.

Банк таваккалчиликлар тури ва даражасидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликнинг умумий даражасини, унинг талаб қилинган пасайтириш даражасини аниқлаши ва тегишли чоратadbирлар дастурини амалга ошириши керак. Аниқланган таваккалчиликлар назорат қилишнинг кенгайтирилган ёки соддалаштирилган чораларини қўллаш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бериши керак.

68. Таваккалчилик даражаси мижознинг амалга оширадиган фаолият ва операциялари турларини, мазкур Сиёсатда белгиланган мезонлар, мижозни лозим даражада текшириш натижаларини, таваккалчилик (мижозларнинг турлари ва фаолияти, банк маҳсулотлари ва хизматлари, уларни тақдим этиш каналлари, давлатлар, географик ҳудудлар бўйича ва бошқа) омилларини инобатга олган ҳолда маълумотларни, шу жумладан, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, банк ҳудудий бўлинмаси масъул ходими томонидан аниқланади ва баҳоланади.

69. Мижозлар ва операциялар таваккалчиликларини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартиби мазкур Сиёсат ва банкнинг ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМҚҚ бўйича бошқа ички ҳужжатлари билан белгиланади. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар банк Бошқарувида тақдим этилади. Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари Марказий банкка тақдим этилиши керак.

70. Банк аввалдан қуйидаги мезонларга жавоб берадиган мижозларни юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритиб, уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг эгалиги ёки назоратидаги ташкилотлар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

чет эл корхоналарининг ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг норезидент — жисмоний шахслар;

оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган резидент ва норезидентлар;

ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

бенефициар мулкдори мазкур банднинг 2- ва 3- абзацларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган ташкилотлар;

мунтазам равишда (масалан, 3 ой ичида кетма-кет) шубҳали ёки гумонли операцияларни амалга оширувчи мижозлар;

мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган дастурий мажмуалардан фойдаланувчи мижозлар;

юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар;

юримдик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси;

аккаунтларига 20 та ва ундан ортиқ банк карталари бириктирилган шахслар;

бир вақтнинг ўзида раҳбари ва таъсисчилари/бенефициар мулкдорлари ўзгарган юримдик шахслар (агар бундай маълумотлар банкка маълум бўлса);

ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

71. Банк қуйидаги операцияларни юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритиши ва уларга нисбатан чораларни кучайтириши лозим:

оффшор ҳудудда очилган ҳисобварақлар орқали амалга ошириладиган операциялар;

қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган заргарлик буюмлари билан амалга ошириладиган операциялар, банкнинг ўзи амалга оширадиган бундай операциялардан ташқари;

жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юримдик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган эри (почта манзили) ва ҳисобварақ) тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган операциялар;

қонунчилқда белгиланган бошқа операциялар.

72. Мазкур Сиёсатда қайд этилган мезонларга жавоб берадиган ҳар қандай мижозларнинг анкеталарида уларнинг таваккалчилик даражаси юқори қилиб белгиланади ҳамда уларга нисбатан кўриладиган чораларни кучайтиришга эътибор қаратилади.

73. Мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, Департамент зарур ҳолларда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб бориши лозим.

74. Департамент мазкур Сиёсатда белгиланган тартибда юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган барча мижозларнинг ҳисобини юритиши керак.

6-БОБ. ЗАРУР БЎЛГАН АХБОРОТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА УНИНГ МАХФИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

75. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган маълумотлар ва ҳужжатлар давлат тилида ёки рус тилида расмийлантирилади.

76. Мижозларни лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман хорижий тилда расмийлантирилган тақдирда банк томонидан, зарур ҳолларда, давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб этилиши шарт.

77. Тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон туғилса ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, банк ходими танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

78. Департамент амалга ошириладиган чораларни расмийлаштириш мақсадида ўзининг барча бўлинмаларини (операциялар ҳақидаги хабарларни олиш, таҳлил қилиш ва бериш билан шуғулланувчи) ва банк ҳудудий бўлинмаси масъул ходимларини махсус журналлар билан таъминлаши керак.

79. Махсус журнал ип ўтказиб тикилган, рақамланган ва унинг орқа томонида саҳифалар сони, журнални юритиш бошланган сана (йил, ой, кун) кўрсатилган ва Департамент директорининг имзоси қўйилган бўлиши керак.

80. Операция ҳақида махсус журналга қуйидаги маълумотлар киритилиши керак:
махсус журналга киритиладиган маълумот тартиб рақами ва санаси;
мижоз номи (мижоз хос рақамини кўрсатган ҳолда);
операция тури, суммаси ва амалга оширилган санаси;
мижоз контрагенти ҳақидаги маълумотлар;
операция юзасидан маълумот тақдим қилган бўлинма номи;
операция бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида маълумот, шу жумладан, хабар берилган сана ва рақами ва бошқа зарур маълумотлар.

81. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида мижоз тўғрисидаги олинган маълумотлар мазкур Сиёсатнинг 1-3-иловаларига мувофиқ мижоз анкетасида қайд этилади. Банк ички ҳужжатларига мувофиқ мижоз анкетасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга.

82. Барча мижозлар (лозим даражада текшириш талаб этилмайдиган мижозлар бундан мустасно) бўйича анкеталар махсус дастурлар ёрдамида электрон шаклда тўлдирилади. Гумонли ва (ёки) шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозлар бўйича анкеталар реэстри электрон шаклда юритилади.

Электрон шаклда тўлдирилган мижоз анкетаси қоғоз шаклида чиқарилганда банкнинг бош бухгалтери ёки бош бухгалтер бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосари ёхуд банк ҳудудий бўлинмаси масъул ходими томонидан тасдиқланади.

83. Электрон шаклда тўлдирилган анкеталар банк мижозларининг идентификациясини амалга оширувчи банк ходимларига, шу жумладан, тўлов агентлари ва тўлов субагентларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.

84. Мижоз анкетаси, ҳисобрақамлар бўйича файллар, хизмат ёзишмалари ва ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижалари банкда мижоз билан муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

85. Мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек у томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, департамент ходими зарур ҳолларда мижоз билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб бориши лозим.

86. Операциялар тўғрисидаги ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

87. Банк операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни, ҳисобрақамлар бўйича файлларни ва хизмат ёзишмаларини, ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини қонунчиликда белгиланган муддатлар давомида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлаши шарт.

88. Мазкур маълумотлар ва ҳужжатлар ваколатли давлат органлари ва Марказий банкка ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдиган шаклда қоғоз кўринишида ва (ёки) электрон ташувчи воситаларда сақланиши лозим.

89. Департамент фаолиятида ишлатилган ҳужжатлардан (Марказий банк ва МВДО билан ёзишмалар, шу жумладан, МВДОга берилган қоғоз ва электрон шаклдаги хабарлар, мижозларнинг қоғоз ва электрон шаклидаги анкеталари, журналлар ва бошқалар) фойдаланиш имкониятини чегаралаш мақсадида бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевосита Департамент томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда қонунчиликда белгиланган муддатлар давомида, лекин камида беш йил мобайнида сақланиши керак.

90. Электрон шаклдаги ҳужжатлар дастурлаш усули асосида архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилиши ва Департамент директори томонидан уларнинг рўйхати билан бирга ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак. Ҳужжатлар сақланиш муддати тугаши билан ўрнатилган тартибда банк архивига топширилади.

91. Департамент ходимлари ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМҚК билан боғлиқ бўлган ахборотга, шу жумладан, банк архивида сақланаётган ҳужжатларга кириш имкониятини чеклайди, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайди ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида МВДОга хабар берилганлиги тўғрисида маълумотларни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

92. Банкнинг барча ходимлари ички назорат функцияларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни ошкор этмаслик (ёки шахсий мақсадларда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслиги) учун жавобгардир, мижоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида ёки операцияни амалга оширишда банк ходимлари томонидан мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланган ҳолатлар бундан мустасно, бундай ҳолатларда улар зудлик билан мижозни хабардор қилмасдан Департаментга хабар бериши керак.

93. Учинчи шахсларга маълумотлар, шу жумладан, анкетадан мижознинг идентификация маълумотларининг тақдим қилиниши қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

94. Мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамиятидан ва таваккалчиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, банк томонидан йилига камида бир маротаба янгиланиши лозим.

95. Мижоз томонидан ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМни амалга ошириш таваккалчилиги банк томонидан «паст» баҳоланган ҳолларда икки йилда камида бир маротаба мижоз маълумотлари янгиланиши лозим.

96. Бир марталик операцияларни амалга оширган мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар, банк ходими томонидан мижозни лозим даражада текшириш

чораларини кўриши талаб қилинган кейинги операцияларни бажаришда янгиладана, ўзгаришлар мижознинг анкетасига тўғри киритилиши лозим.

7-БОБ. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ТЎЛОВ АГЕНТЛАРИ ВА ТЎЛОВ СУБАГЕНТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ИШЛАШ ТАРТИБИ

97. Банк ва унинг агентлари ва субагентлари фаолият кўрсатадиган мамлакатларнинг ваколатли органлари фойдаланиши мумкин бўлган тўлов агентлари ва тўлов субагентларининг янгиланган реестрини юритиши керак.

98. Банк тўлов агентлари ва субагентларини ушбу Сиёсат талабларига риоя қилишини таъминлаши шарт.

99. Банк ўз тўлов агентлари ва тўлов субагентлари томонидан ушбу Сиёсат талабларини бузганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

100. Тўлов агентлари ва тўлов субагентлари, ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМҚК тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, мижозни лозим даражада текшириш бўйича чораларни кўриш мақсадида мижознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиши мумкин.

101. Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда банк ўзининг тўлов агентлари ва (ёки) субагентлари орқали ҳаракат қилганда, бу ҳақда МВДОга хабар бериши ва бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай муносабатларини тўхтатиши лозим.

8-БОБ. МИЖОЗЛАРНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ УСТИДАН ДОИМИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ. ГУМОНЛИ ВА ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

102. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек мижоз билан ишлашда белгиланган таваккалчилик даражаси, мижоз томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг мижоз фаолиятидаги асосий йўналишларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар манбаларини ўрганиш учун мониторингга асос ҳисобланади.

103. Мижозларни идентификациялаш ва уларнинг операцияларининг жорий текшируви лавозим мажбуриятларига мувофиқ мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва бошқалар) банк ходимлари томонидан ўтказилади, улар шубҳали ва (ёки) гумонли аломатлари мавжуд операциялар аниқлаган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўзининг раҳбарига ва Департамент ходимларига ёзма равишда зудлик билан хабар бериши лозим.

104. Департамент ходими шубҳали операцияларни амалга оширган мижознинг электрон анкетасида таваккалчилик даражасини юқори қилиб белгилаши ҳамда ушбу мижозни лозим даражада текшириш учун мижознинг юридик йиғма жилдини тақдим қилиш тўғрисида банк ҳудудий бўлинмасининг бош бухгалтерига мурожаат қилиши лозим.

105. Мижозлар операцияларининг кейинги текшируви Департамент ходимлари томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, мижознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

106. Гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операциялар аниқланганда мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи банк ходимлари Департаментнинг топшириғига биноан зарур ҳолларда ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан мижозга мурожаат қилади.

107. Департамент ходимлари мижоз ва операция ҳақидаги маълумотларни ўрганади, тегишли маълумотларни махсус журналга ва мижоз анкетасида қайд этади ҳамда этарли асослар мавжуд бўлганда Департамент директориға операцияни гумонли ёки шубҳали сифатида таснифлаш ҳақида таклиф юборади.

108. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда Департамент директори мижоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақда банк Бошқарувига маълум қилади.

109. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида ҳолатда мазкур Сиёсат билан белгиланган мезонлар ва аломатлардан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади.

110. Операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади:

операция бажарувчи томонлардан бири ЖФОДЛ/ТМҚК соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

жисмоний шахслар томонидан (шу жумладан, бир нечта жисмоний шахслар томонидан бир контрагент номига), шу жумладан, пул ўтказмалари тизимлари орқали бир вақтда ёки кўп маротаба бир ойдан ошмаган муддат давомида БХМнинг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасида чет элдан жўнатилган пул маблағлари олинishi ёки чет элга пул маблағлари жўнатилиши;

жисмоний шахслар ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бир вақтда ёки кўп маротаба бир ойдан ошмаган муддат давомида БХМнинг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасидаги пул маблағлари сотилиши, сотиб олинishi ёки халқаро тўлов карталаридан ечиб олинishi;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига аноним шахсга очилган ҳисобвараққа пул маблағлари кўчирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасига аноним шахсга очилган ҳисобварақдан ёки жўнатувчиси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган пул маблағларининг ўтказилиши;

пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, олувчи рўйхатдан ўтган жойдан фарқланувчи оффшор ҳудудда рўйхатга олинган банкда очилган олувчининг ҳисобварағига ўтказилиши;

пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига оффшор ҳудудларда доимий яшовчи ёки рўйхатга олинган шахсларнинг ҳисобварағига ёки фойдасига ўтказилиши, ёхуд бундай шахсларнинг ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикасига 30 кун давомида охириги ўтказиш (келиб тушиш) кунида белгиланган БХМнинг 1000 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган умумий суммада маблағлар бир маротаба ёки кўп маротаба ўтказилиши (келиб тушиши);

таъсисчилари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ва (ёки) уларни барча мумкин бўлган усуллар орқали олиш имконияти йўқ бўлган норезидент шахслар билан операциялар;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланиш рухсати берилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция, шу жумладан уни ўтказишнинг уриниб кўриши;

мазкур бандда назарда тутилган мезон ва аломатларга эга бўлмаган, мазкур Сиёсат ва банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган гумонли операциялар тоифасига кирмайдиган, бироқ ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга алоқадорлигига банкда шубҳа мавжуд бўлган операциялар;

норезидент томонидан резидентга грантлар, молиявий ёрдам, қарз ёки беғараз ёрдам сифатида пул маблағлари берилиши;

фаол террористик ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали пул маблағларини жўнатилиши ва олиниши (мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхати МВДО томонидан тақдим қилинади);

террористик тусдаги жиноятни содир этганлиги учун халқаро қидирувда бўлган шахсларнинг операциялари (шахслар рўйхати МВДО томонидан тақдим қилинади);

давлат рўйхатидан ўтганига ёки қайта рўйхатдан ўтганига ёхуд банкда ҳисобварақ очганига уч ойдан кўп бўлмаган юридик шахснинг пул айланмаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 20000 бараварига тенг ёки ундан ошса;

жисмоний шахслар томонидан бир вақтда ёки 1 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада Марказий банкнинг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини, ўлчовли ёмбиларини сотиб олиниши;

мижознинг банк картасидан банк мобил иловаси орқали бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада пул маблағларини бир ёки бир нечта банк карталарига ёхуд электрон ҳамёнларга ўтказилиши;

мижознинг банк картасига бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада пул маблағларини бир ёки бир нечта банк карталаридан ёхуд электрон ҳамёнлардан келиб тушиши;

5 та ва ундан ортиқ банк картасидан (электрон ҳамёндан) банк мобил иловаси орқали бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 1 та хорижий электрон ҳамёнга пул маблағларини ўтказилиши;

5 та ва ундан ортиқ банк карталарига (электрон ҳамёнларга) бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 1 та хорижий электрон ҳамёндан пул маблағларини келиб тушиши;

1 та банк картасидан (электрон ҳамёндан) банк мобил иловаси орқали бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 5 та ва ундан ортиқ хорижий банк картасига ёки хорижий электрон ҳамёнга пул маблағларини ўтказилиши;

1 та банк картасига (электрон ҳамёнга) бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида 5 та ва ундан ортиқ хорижий банк картасидан ёки хорижий электрон ҳамёндан пул маблағларини келиб тушиши;

норезидент шахсдан (агар бундай маълумотлар банкка маълум бўлса) резидент жисмоний шахсга бир вақтда ёки кўп маротаба 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасидаги пул маблағларининг келиб тушиши;

ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби миждознинг одатий фаолиятдан фарқ қилувчи ностандарт ёки ғайриоддий мураккаб схемалардан иборат бўлиши;

юримдик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақларидан жисмоний шахс ҳисобварағига операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларининг молиявий ёрдам ёки қарз сифатида кўчирилиши;

юримдик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобварақларидан фақат товарлар импорти учун чиқарилган хорижий валюталар бўйича шартнома предметини хизмат кўрсатишга ўзгартирилиши ёки дебитор қарздорликни хизмат кўрсатиш орқали сўндирилиши, башарти унинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20000 бараварига тенг ёки ундан ошса.

111. Операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб тан олинади:

банк томонидан таваккалчилик даражаси юқори деб берилган операция ёки уни амалга ошираётган миждоз;

резидент-миждоз томонидан товар етказиб бериш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) шартномаси бўйича аввал олинган сумманинг норезидент фойдасига мунтазам равишда қайтариб берилиши;

операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлилигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан, операция бажарувчи томонларнинг бири ҳақидаги маълумотлар банкда мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

операцияни амалга ошириш учун ариза (топширик, илтимоснома) билан муружаат қилинган миждознинг хатти-ҳаракатларининг ғайриоддийлиги, масалан: асабийлашиш, иккиланиш, миждознинг ҳаракатларини бошқариб турувчи шахсларнинг мавжудлигида унинг агрессивлиги ёки унинг бошқа шахсларга арзимас сабаб юзасидан телефон орқали маслаҳат учун муружаат қилиши;

мижознинг махфийлик масалалари юзасидан ғайриоддий ташвишланиши ёки банк томонидан операция ҳақида сўралган маълумотларнинг миждоз томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд такдим этилишида асоссиз кечиктирилиши;

амалга оширилаётган операция бўйича миждоз ҳамкорларини аниқлаш имкони йўқлиги;

операция аниқ иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ва миждоз фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофиқ келмаслиги;

миждоз фаолияти тавсифига боғлиқ бўлмаган ҳолда ва (ёки) миждоз ҳисобварағининг фаоллиги уч ойдан ортиқ муддат мобайнида паст бўлиб ёки фаоллиги тўхтаб, сўнг унинг ҳисобварағида пул маблағлари айланмасининг асоссиз кўпайиши;

миждознинг ташаббуси билан барча маблағларни ечиб олиш ёки уларни бошқа тижорат банкларига ўтказилиши орқали амалий иш муносабатларини асоссиз ва (ёки) муддатидан олдин тўхтатилиши;

банк томонидан миждозга нисбатан мазкур Сиёсатда кўрсатилган чораларни асосли қўлланилганида, миждоз ташаббуси билан дарҳол амалий иш муносабатларини тўхтатилиши;

банк иштирокида миждоз томонидан бажарилаётган операцияларнинг, операцияларни амалга оширишнинг умум қабул қилинган амалиётига яққол номувофиқлиги;

миждоз томонидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган БҲМнинг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада бажарилаётган операцияларга ўхшаш операцияларнинг суммаларини асоссиз тақсимланиши;

жисмоний шахс томонидан айирбошлаш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммада бир қийматдаги банкнотларни бошқа қийматдаги банкнотларга айирбошлаш;

жисмоний шахс томонидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммада нақд пул кўринишидаги пул маблағларини юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг банк ҳисобварағига қарз, молиявий ёрдам, устав фонди (капитал)га қўйилма сифатида киритилиши ёхуд айланма маблағларини тўлдирилиши;

жисмоний шахсларнинг фойдасига юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақларидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларининг дивиденд ёки даромад сифатида кўчирилиши;

жисмоний шахснинг ҳисобварағидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларининг нақд кўринишда ечилиши;

бир контрагентнинг терминалидан бир кун давомида беш ва ундан ортиқ халқаро тўлов карталаридан ҳар бир картанинг операцияси базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммадаги операциялар (тўлов ёки нақд пул ечилиши) амалга оширилиши.

пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, олувчи рўйхатдан ўтган жойдан фарқланувчи ҳудудда жойлашган банкда очилган олувчининг ҳисобварағига операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммада ўтказилиши.

112. Банк ходимлари, ўз мажбуриятларини бажарётганда, барча мураккаб, ғайриоддий йирик операцияларга, шунингдек аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган операцияни амалга оширишнинг ғайриоддий схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари ва операциялар ҳақида банк ҳудудий бўлинмаси масъул ходимига хабар беришлари лозим.

113. Банк МВДО билан келишилган ҳолда Марказий банк томонидан ишлаб чиқиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган услубий қўлланмалар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни дастлабки аниқлаш индикаторлари тизимини йўлга қўйишлари мумкин.

114. Мижоз операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг, Департамент куйидаги чораларни кўриши керак:

шубҳали операция тўғрисида МВДОга хабар бериш;

мижоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;

мижознинг таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш;

мижознинг операциялари устидан мониторингни кучайтириш.

115. Шубҳали операция ҳақидаги хабар Департамент томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, қонунчилик талабларига мувофиқ МВДОга юборилади.

116. Ҳар бир хабар тўғрисидаги маълумот махсус журналга киритилади.

117. Департамент ходими ҳар куни МВДОга юборилган хабар ҳақида барча маълумотлар акс эттирилган электрон жадвал ҳамда жадвалнинг қоғоз вариантини шакллантиради. Мазкур жадвал ижрочи томонидан имзоланади ва Департамент директори томонидан тасдиқланади.

118. Департамент директори ишда бўлмаган ҳолатларда юборилган хабарлар ҳақидаги жадвал ва (ёки) хабарнинг қоғоз шаклидаги нусхаси унинг ўринбосари ёки банк Бошқаруви раисининг ёзма берган ваколоти асосида Департамент масъул ходими томонидан имзоланади.

119. МВДОга юборилган барча хабарлар ва юборилган хабарлар ҳақида жадвал шаклидаги маълумот бевосита масъул ходим томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

120. Департамент ходими тегишли операциянинг шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол МВДОга хабар бериши зарур.

121. Банк ходими, бир вақтнинг ўзида Сиёсатда қайд этилган мезонларга эга бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларини шаклланиши билан боғлиқ ва ўтказилиши режалаштирилган операциялар ҳақида дарҳол Департаментга хабар бериши шарт. Департамент банк ходимидан олинган маълумотни МВДОга юборади.

122. Банк узоғи билан уч иш куни мобайнида мижозларнинг ўзаро алоқадорлиги таваккалчилик даражасини аниқлаш мақсадида тўлиқ таҳлил қилганидан сўнг бундай операцияларни амалга оширади.

**9-БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ОЛУВЧИ ВА (ЁКИ) ЖЎНАТУВЧИ ТЎҒРИСИДА ЗАРУР
МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛМАГАН ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ПУЛ
ЎТКАЗМАЛАРИ АНИҚЛАНГАН ТАҚДИРДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

123. Халқаро пул ўтказмалари тизимлари бўйича хизматлар кўрсатувчи компаниялар билан муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида бундай ташкилотни идентификациялашдан ташқари, Департамент қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

халқаро пул ўтказмалари бўйича бенефициар мулдорининг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиши;

очик маълумотлар асосида ташкилотнинг обрўсини, жумладан, ушбу ташкилотга нисбатан ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга оид камчиликлар юзасидан тергов олиб борилган ёки борилмаганлигини аниқлаши;

электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаши.

124. Халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қарор банк Бошқаруви томонидан Департамент ва банкнинг тегишли бўлинмаси хулосаларига асосан қабул қилинади.

125. Халқаро пул ўтказмалари бўйича, шу жумладан, халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали операцияларни амалга оширишда, амалиёт бўлими қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

ўзларининг бундай хизматларни кўрсатувчи бўлинмалари (тўлов агентлари, тўлов субагентлари, шахобча, бўлим ва шу кабилар) ва ушбу бўлинмалар ходимларининг ҳисобини юритиши;

норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан БҲМнинг 50 бараваригача бўлган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (жўнатувчининг номи, агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилишини талаб қилиши;

норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан БҲМнинг 50 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (жўнатувчининг номи, шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ИД-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат) церийаси ва рақами — жисмоний шахслар учун; жўнатувчининг манзили ёки давлат идентификация рақами ёки мижознинг идентификация рақами ёки жисмоний шахслар учун туғилган санаси ва жойи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилишини талаб қилишлари тақдим этилишини талаб қилиши;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари.

126. Пул ўтказмалари бўйича операцияларни амалга оширувчи банк ходими қуйидагиларга мажбур:

пул ўтказмаларига оид операцияларни жисмоний шахс — мижозларни лозим даражада текширгандан сўнг амалга оширишга;

жўнатиладиган пул ўтказмаларини жўнатувчи-мижоз ҳақидаги (жўнатувчининг номи; шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ИД-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат) церийаси ва рақами — жисмоний шахслар учун; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами; жўнатувчининг манзили ёки давлат идентификация рақами, мижознинг идентификация рақами ёки жисмоний шахслар учун туғилган санаси ва жойи) ва олувчи ҳақидаги (олувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) аниқ маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашга;

олувчи ва (ёки) жўнатувчи тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўришга.

127. Транзит молиявий муассаса сифатида фаолият юритаётган банкда, техник чекловлар халқаро электрон ўтказма бўйича ички электрон пул ўтказмага боғланган жўнатувчи ва олувчи тўғрисидаги талаб қилинаётган маълумотнинг сақланишига тўсқинлик қилган ҳолларда, жўнатувчи молиявий муассасадан ёки бошқа транзит молиявий муассасадан олинган барча маълумотлар бўйича ёзувларни беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақлашлари керак.

128. Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараварига тенг ёки ундан ошган суммадаги юборилаётган ички электрон пул ўтказмалари бўйича маълумотлар халқаро пул ўтказмалари учун қайд этилгани каби жўнатувчи тўғрисидаги идентификация жараёнида олинган маълумотларни ҳамда олувчи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак, жўнатувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумот олувчи банк томонидан бошқа манбалар орқали олиниши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Бу ҳолатда жўнатувчи банкка жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини, шунингдек ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақамини (идентификатор) кўшиб қўйиш етарли, агар ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки идентификатор операцияни жўнатувчи ёки олувчигача кузатиб бориш имконини берса.

Банк БҲМнинг 30 бараваридан ошмаган суммадаги ички электрон пул ўтказмаларини жўнатувчи ҳақидаги (жўнатувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақами) ва олувчи ҳақидаги (олувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақами) маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлаши керак.

129. Банкка, пул ўтказмаси мазкур Сиёсатда белгиланган талабларга жавоб бермаса, пул ўтказмалари бўйича, шу жумладан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали хизматларни кўрсатиш тақиқланади.

130. Банк норезидент-вакил банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ пул маблағларини жўнатувчилари ва қабул қилувчилари ҳақидаги қўшимча маълумотларни уч иш куни давомида олиш имкониятига эга бўлиши керак.

131. Ушбу имконият мавжуд бўлмаганда, банк мазкур халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан шартномани бекор қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

132. Банк, пул ўтказмаси бўйича ҳам жўнатувчи ва ҳам қабул қилувчи томонларга хизмат кўрсатган тақдирда, қуйидагиларга мажбурдир:

шубҳали операция тўғрисида хабар юбориш заруриятини аниқлаш мақсадида ҳам жўнатувчи томондан, ҳам қабул қилувчи томондан олинган барча маълумотларни ҳисобга олишга;

шубҳали пул ўтказмаси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мамлакатда шубҳали операция тўғрисидаги хабарни ваколатли органларга юбориш ва пул ўтказмаси тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақдим этишга.

133. Пул ўтказмасида воситачи (транзит банк) сифатида иштирок этувчи банк:

электрон тўловларга илова қилинадиган жўнатувчи ва олувчи ҳақидаги барча маълумотларни, жўнатув тўғрисидаги маълумотлар билан бирга юборилишини ва беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланишини таъминлаши;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўриши;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда, бундай ўтказмалар ҳақида МВДОга хабар бериш масаласини кўриб чиқиши керак.

10-БОБ. НОРЕЗИДЕНТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШ

134. Норезидент жисмоний шахсларга депозит ҳисобварақлари жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) асосида очилади.

135. Норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий ва чет эл валютасида депозит ҳисобварақлари очиш учун Банкка Банк ҳисобварағи очиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади, ҳамда норезидент жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорти), норезидент жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлишини (яшашини) тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилади.

Банк норезидент жисмоний шахсларга банк ҳисобварағи очишда уларнинг Ўзбекистон Республикасида муқим (уч ойдан кам бўлмаган) даврга рўйхатдан ўтганлиги ва фаолият юритаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома, ишлаётганлиги ёки ўқиётганлиги, даромад манбаларини тасдиқловчи ҳужжатларни) талаб қилиши мумкин.

136. Мижозлар (норезидент жисмоний шахслар) Банк ҳисобварағи очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўладилар.

137. Норезидент жисмоний шахсларни идентификация қилиш ҳамда норезидент мижозларга шахсий Банк картасини (22618 ҳисобварақ) очиш бўйича қуйидаги амалиётлар бажарилади:

- норезидент жисмоний шахс Банкка шахсан ўзи келиб, электрон навбатга туради;
- электрон навбат билан Банкнинг масъул ходимига мурожаат қилади;
- Банк масъул ходими норезидент жисмоний шахсни Банк хизмат турлари билан таништиради, уни идентификация қилиш (КҮС ёки мижозингни бил) мақсадида анкета маълумотларини тўлдиради;

- норезидент жисмоний шахс тақдим этган хужжатлар (шахсини тасдиқловчи хужжати-паспорти) ҳамда суҳбат жараёнида берилган жавоблар асосида Банк масъул ходими махсус <https://dms.anorbank.uz/> платформадаги анкетани тўлдиради;

- Банкда ҳисобварақ очиш юзасидан норезидент жисмоний шахснинг мурожаати қабул қилинганлиги тўғрисида СМС - хабар норезидент жисмоний шахснинг уяли алоқа номерига юборилади;

- Банк масъул ходими тўлдирилган анкетани танишиб чиқиш ва имзолаш учун норезидент жисмоний шахсга тақдим этади;

- Банк масъул ходими имзоланган анкетани махсус КҮС модулига юклаб, мижозни лозим даражада текшириш ва бу ҳақда хулоса олиш мақсадида Ички назорат департаментига юборади;

- Ички назорат департаменти масъул ходими юборилган маълумотларни 3 (уч) банк иш куни мобайнида тўлиқ ўрганиб чиқади ва норезидент жисмоний шахсга ҳисобварақ очиш ёки ҳисобварақ очишни рад этиш тўғрисида махсус ДМС КҮС модулида хулоса беради;

- Банкда норезидент жисмоний шахсга ҳисобварақ очиш ёки унга ҳисобварақ очишни рад этилганлиги тўғрисида СМС хабар норезидент жисмоний шахснинг уяли алоқа номерига юборилади;

- Банк масъул ходими норезидент жисмоний шахсга Банк пластик (22618 ҳисобварақ) картасини очиш чораларини кўради;

- норезидент жисмоний шахс Банк пластик картасини олиш учун шахсан ўзи Банкка келади ва электрон навбат билан масъул ходимга мурожаат қилади;

- Банк масъул ходими шахсини тасдиқловчи хужжати (паспорт) ҳамда ўзига тегишли Банк пластик картасини ушлаб турган норезидент жисмоний шахснинг фото суратга олади ҳамда мижознинг фото суратини Банк базасига киритади.

138. Банк масъул ходими томонидан норезидент жисмоний шахсдан шахсини тасдиқловчи хужжати (паспорти) ҳамда Ўзбекистон Республикасида бўлишини тасдиқловчи хужжатлардан (Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома, ишлаётганлиги ёки ўқиётганлиги, даромад манбалари тўғрисида хужжатлар) бошқа қўшимча хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

11-БОБ. РЎЙХАТГА КИРИТИЛГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ ДАРХОЛ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ВА ИШГА СОЛМАЙ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ. РЎЙХАТГА КИРИТИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ИШГА СОЛМАЙ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЁКИ БОШҚА МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНИШГА РУХСАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАЛАРИНИ МВДОГА ЮБОРИШ ТАРТИБИ

139. Агар мижоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида ёки операцияни амалга оширишда банк ходимлари томонидан мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланса, бу ҳақда зудлик билан ва мижозни хабардор қилмасдан Департаменгга хабар берилиши керак.

140. Ўз навбатида Департамент ходими куйидаги чора-тадбирларни кўриши лозим:
мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдори ёки операция қатнашчиларидан бирининг шахсини имкон даражасида батафсил идентификациялаш;

қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган операцияни аниқлаш;

юримдик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган операция бажарилишини тўхтатиб туриш тўғрисида банк раҳбариятига имзолаш учун фармойиш тайёрлаш ва киритиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган шубҳали операция тўғрисидаги хабарни махсус ваколатли давлат органига юбориш учун тайёрлаш;

мижоз ҳақида қўшимча маълумотларни олиш (шу жумладан, фаолият тури, активлари миқдори, очиқ маълумотлар базаси орқали олиш мумкин бўлган маълумотлар ва шу кабилар);

мижознинг пул маблағлари ёки молиявий ҳолатининг манбасини, шу жумладан, мижоздан маълумот олиш орқали аниқлаш бўйича чораларни кўриш;

операция ҳақидаги маълумотни махсус журналга киритиш.

141. Банк фақат мазкур Сиёсатнинг 140-бандида кўрсатилган чоралар қўлланилганидан сўнг, рўйхатга киритилган шахсни унинг операцияси тўхтатиб турилганлиги ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилганлиги ҳақида хабардор қилиши лозим.

142. Операция тўхтатилган тақдирда мижознинг топшириғи асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

143. Департамент операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги топшириқни, операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқлари рўйхатга олинган алоҳида журналда рўйхатга олади, шунингдек барча маълумотларни операция тикланишига қадар махсус жилдга жойлаштиради.

144. Банк ходими томонидан ишга солмай тўхтатиб қўйиш унинг бевосита эгалик қилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларга нисбатан амалга оширилади.

145. Операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади.

146. Банк тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни ва ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат беришни «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин куралини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисида»ги низомда (рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19-октябр) белгиланган тартибда амалга оширади.

Юқоридаги бандга мувофиқ банк пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланишга рухсат берилган операция сифатида ички электрон пул ўтказмаларини амалга оширишда уларни томонлардан бири Рўйхатга киритилган шахс эканлиги ҳақидаги маълумотлар билан бирга олувчи банкка юборилишини таъминлашлари керак.

147. Банк ходимлари, шу жумладан, тўлов агентлари ва (ёки) тўлов субагентлари орқали, операцияларни амалга оширишда, операция иштирокчиларининг идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштириши шарт. Мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келган тақдирда банк бу операцияни кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туради (юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар бундан мустасно) ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўяди.

Барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келган миждо ҳисобварақ очиш учун қилган мурожаати билан очиш сўралган ҳисобвараққа кирим қилиниши лозим бўлган пул маблағларини тақдим қилса, банк бу операцияни кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туради ва пул маблағларини алоҳида транзит ҳисобвараққа кирим қилиб, ишга солмай тўхтатиб қўяди.

Тўлиқ мос келиши тушунчаси остида миждо ёки операция иштирокчисининг идентификация маълумотлари Рўйхатда келтирилган барча тегишли маълумотлар билан аниқ ва бир хилда бўлишини аниглади.

Қуйидаги ҳолатларда ҳам операцияни тўхтатиб туриш ва пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим:

агарда операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси — юридик шахс Рўйхатга киритилган шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

148. Мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланганда банк ҳудудий бўлинмаси масъул ходими бу операцияни кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туради (юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар бундан мустасно) ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўяди.

149. Тўлиқ мос келиши тушунчаси остида миждо ёки операция иштирокчисининг идентификация маълумотлари рўйхатда келтирилган барча тегишли маълумотлар билан аниқ ва бир хилда бўлишини аниглади.

150. Қуйидаги ҳолатларда ҳам пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган операцияни тўхтатиб туриш ва пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим:

агарда операция қатнашчиларидан бири рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлар ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси — юридик шахс рўйхатга киритилган шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

151. Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилганда, банк ишга солмай тўхтатиб қўйилган мулкнинг миқдорини кўрсатган ҳолда бу ҳақда МВДОга, шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, хабар юбориши лозим.

Мазкур бандда назарда тутилган хабар қонунчиликда белгиланган тартибда МВДОга юборилади.

12-БОБ. ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ МАҚСАДЛАРИДА ТЕХНОЛОГИК ЮТУҚЛАРДАН ФЙДАЛАНИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

152. Банк ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши керак. Ушбу мақсадда банк:

янги хизмат турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқиши;

янги ва мавжуд хизмат турлари учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлаши ва баҳолаши керак.

153. Таваккалчиликни бундай баҳолаш янги хизмат турларини, иш амалиётини тадбиқ қилишдан ёки янги ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак. Бунда, ушбу таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолаш банкнинг янги хизмат турларини (янги технологияни) бевосита жорий қилаётган банк бўлинмаси ва Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

154. Банкнинг тегишли бўлинмаси ва Департамент ушбу таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва камайтириш учун тегишли чораларни кўришлари лозим.

155. Кўрилган чоралар натижалари тўғрисидаги маълумот банк Бошқарувига тақдим қилиниши керак.

156. Масофавий хизматларни кўрсатувчи банк таваккалчиликни камайтириш мақсадида:

масофавий хизматларни кўрсатиш тўғрисида мижозлар билан имзоланадиган шартномаларда мижоз томонидан ушбу хизматлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган шубҳали операциялар аниқланган тақдирда кўриладиган чоралар (бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида мижоз ёзма тушунтириш бергунга қадар ушбу хизматларни кўрсатишни тўхтатиб туриш; ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш) ни кўзда тутиши керак;

масофавий хизматлардан фойдаланилган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганлиги ҳақидаги гумонлар мавжуд бўлганда масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган шахс томонидан операциялар амалга оширилаётганлигини мижознинг жойлашган ери (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган манзил бўйича ўрганиш ҳуқуқига эга;

масофавий хизматлардан фойдаланган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганда, бундай хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган муддатда ушбу хизматларни кўрсатишни тўхтатиши керак;

ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ мақсадида масофавий хизматлардан фойдаланилганлиги ҳақида асослантилган шубҳалар мавжуд бўлганда бундай хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни ўрнатилган тартибда бекор қилиши керак.

157. Масофавий хизматлардан фойдаланаётган мижозни у жойлашган ери (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган манзилда ўрганиш жараёнида, банк мижоз томонидан «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 3229, 2020 йил 13 апрель) талабларига риоя қилинишини, жумладан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг расмийлаштирилиши, мижознинг ваколатли шахслари (раҳбари, бош ҳисобчиси) томонидан имзоланиб тасдиқланиши, ушбу ҳужжатлар бўйича ўтказмалар фақат айнан электрон имзолаш ҳуқуқи мавжуд бўлган шахс томонидан электрон имзолаш орқали тасдиқлангандан кейин амалга оширилишига, мазкур ҳужжатларнинг сақланишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

13-БОБ. БАНК ТОМОНИДАН МВДО СЎРОВЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

158. МВДО ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан, банкнинг автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан ёзма сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга.

159. Департамент МВДОнинг ёзма сўровлари бўйича, қўшимча маълумотларни тақдим қилади.

160. Хорижий давлатнинг ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашишда иштирок этувчи ваколатли органининг сўрови мавжуд бўлганда, МВДО Марказий банк орқали тегишли сўровни банкга тақдим этади. Банк бундай сўров асосида сўралаётган маълумотни МВДОга тақдим этади.

14-БОБ. БАНК ВА МИЖОЗЛАРНИНГ САКЦИЯВИЙ ХАТАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

161. Банк мижозларнинг санкциявий хатарини олдини олишда қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ёки халқаро молиявий ташкилотларнинг расмий веб-сайтлари ва бошқа очик манбалардан санкция ва таъқиқ қўлланилган шахс ва маълум турдаги маҳсулотлар рўйхатини шакллантириш, янгилаб бориш ва банкнинг таркибий бўлинма (мижозларга хизмат кўрсатувчи ходим) ларига етказиб бериш;

санкция рўйхатидаги мижозлар билан боғлиқ операциялар бўйича таркибий бўлинма (мижозларга хизмат кўрсатувчи ходим)дан олинган маълумотларни ўрнатилган тартибда ўрганиш, операцияларни тўхтатиш;

операцияларни тўхтатишга ёки қайта тиклашга рухсат бериш юзасидан тегишли қарор қилиш учун хулоса тайёрлаш;

банк иш куни давомида юридик шахсларнинг ташқи савдо ва жисмоний шахсларнинг валюта операциялари бўйича тахлилий назорат олиб бориш;

молиявий санкция хатаридан келиб чиқиб, қабул қилинган нормалар асосида операцияларни тўхтатиш (ёки рад этиш), қайта тиклашга хулоса бериш;

халқаро санкциявий комплаэнс назорат талабларидан келиб чиқиб, хорижий молия институтлари ва контрагентлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

санкция рўйхатида бўлган шахслар ва маълум турдаги маҳсулотлар бўйича амалга оширилаётган операциялар юзасидан келиб тушган маблағлар санкция ва таъқиқдан ҳоли эканлиги аниқлангунга қадар 23206-аниқланиш жараёнидаги транзакциялар ҳисобварағида вақтинча сақланишини назорат қилиш;

мавжуд ташқи савдо шартномалари бўйича операцияларни ТСОЯЕАТ тизими орқали мониторинг қилиш.

15-БОБ. ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР

162. Департамент банкнинг бошқа тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳар йили ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш масалалари бўйича ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ўқитиш дастурини (кейинги ўринларда — ўқув дастури) ишлаб чиқади. Ушбу дастур куйидагиларни назарда тутиши лозим:

ўқув машғулоти ўтказиш тартиби, унинг шакллари (бирламчи инструктаж, режали, режадан ташқари ўқитиш) ва муддатлари;

ўқув машғулоти ўтказишни ташкил этишга масъул шахсларни тайинлаш;
ходимларнинг билимини текшириш тартиби.

163. Ўқув дастури банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

164. Департамент мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи банк бўлинмалари (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу кабилар), Юридик хизмат, Ички аудит ва Хавфсизлик хизмати ходимларининг сўнгги янгиликларга, жумладан, ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш, ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида банк мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

16-БОБ. ДЕПАРТАМЕНТ ДИРЕКТОРИ, ХОДИМЛАРИ ВА БОШҚА БЎЛИНМА ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

165. Департамент директори ва ходимлари, бошқа бўлинмалар ходимлари мазкур Сиёсат қоидаларини бузганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

166. Махфийликни сақлаш мақсадида банк ходимлари куйидаги ҳуқуқларга эга эмас:
мижозни унга нисбатан ўтказилаётган текшириш тўғрисида хабардор қилиш;
мижозни унга тегишли маълумотлар МВДОга тақдим этилганлиги тўғрисида хабардор қилиш.

167. Қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини банк ходимлари томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлиб қолган банк ходимлари ушбу далилларни дарҳол Ички назорат департаменти директори ёки ходимларига ёзма равишда етказадилар.

17-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

168. Банк томонидан мазкур Сиёсат талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Департамент ва зарур ҳолларда Марказий банк ва МВДО билан биргаликда амалга оширилади.

Марказий банк, банк томонидан белгиланган тартибда тақдим этилаётган ҳисоботлар асосида ички назоратни ташкил этилиши ва унинг самарадорлиги бўйича мазкур Сиёсатга риоя қилиниши устидан масофавий мониторинг олиб боради.

169. Банк Бошқаруви ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, банкнинг ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилади ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек самарали ишлашини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди.

Ички назорат тизими самарадорлигини мониторинг қилиш банк Ички аудит департаменти ходимлари томонидан зарурат туғилганда ёки бир йилда камида бир марта олиб борилиши мумкин.

170. Ички аудит департаменти ички назорат тизимида аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол банк Бошқарув раисига ахборот беради.

171. Ички аудит департаменти томонидан аниқланган ички назорат тизимининг камчиликлари ўз вақтида банк Бошқаруви раисига маълум қилинади. Маълумотни олгандан сўнг банк Бошқаруви раиси аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.

172. Мазкур Сиёсатга киритилган ўзгартиришлар тасдиқлангунга қадар банк ўз фаолиятини ички ҳужжатларини (Буйруқлар, Фармойишлар) тасдиқлаш орқали тартибга солади.

173. Мазкур Сиёсат тўлов агентлари ва тўлов субагентлари, шунингдек, банкнинг барча бўлинмалари ва шўба банклари томонидан бажарилиши мажбурийдир. Банкнинг чет элдаги шўба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари учун ички қоидалар улар рўйхатдан ўтган мамлакат қонунчилиги талабларини инобатга олган ҳолда тасдиқланади.

174. Ички қоидалар Мазкур Сиёсат талабларига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлиши, шунингдек, аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳосидан келиб чиқиб тузилиши керак.

175. Банкнинг ташкилий тузилмаси ўзгартирилиши муносабати билан мазкур Сиёсатда келтирилган таркибий бўлинмалар қисқартирилган, номлари ўзгарган ҳолатларда, ушбу таркибий бўлинмаларга тааллуқли Сиёсат қоидалари уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари ўтказилган (ворис) таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

176. Мазкур Сиёсат банк Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган кундан эътиборан кучга киради.

177. Мазкур Сиёсат, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

178. Мазкур Сиёсат тасдиқланган кундан бошлаб Банк Кузатув Кенгашининг 2025 йил 24 апрелдаги 26-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган «ANOR BANK» Акциядорлик жамиятининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат сиёсати ўз кучини йўқотади.

Киритилди:

Ички назорат департаменти
директори

С. Усманов

Келишилди:

Бошқарув раиси

Ш. Акромов

Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари

Э. Наджимитдинов

Бошқарув раисининг
ўринбосари

Э. Кадилов

Бошқарув раисининг
ўринбосари

А. Сайдуллаев

Бошқарув раисининг
ўринбосари

М. Сафаров

Бошқарув раисининг
ўринбосари

С.Хан

Бош бухгалтер

У. Бабаев

Комплаенс-назорат ва ички аудит
департаменти директори

Б. Шамансурова

Риск менеджменти
департаменти директори

А. Бакиев

Юридик бошқарма бошлиғи в.в.б.

Н. Газиева

Юридик бошқармаси
Методология бўлими бошлиғи

А. Назирова

«ANOR BANK» Акциядорлик жамиятининг жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин
қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш
ҳамда санкциявий хатарларни олдини олиш бўйича ички
назорат сиёсатиغا
1-илова

Жисмоний шахс учун мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотлар

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки идентификацияловчи ИД-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат реквизитлари: ҳужжат церийаси ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни берган орган номи.
6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.
7. Телефон рақами (агар мавжуд бўлса).
8. Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.
9. Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.
10. Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш асослари.
11. Банк томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.
12. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана — банкдаги биринчи банк ҳисобварағи (омонати) очилган сана.
13. Мижоз анкетаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
14. Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг муовини) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.
15. Қоғоз шаклидаги мижоз анкетасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги мижоз анкетасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
16. Ички сиёсатда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

«ANOR BANK» Акциядорлик жамиятининг жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин
куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш
ҳамда санкциявий хатарларни олдини олиш бўйича ички
назорат сиёсатига
2-илова

Юридик шахслар учун мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотлар

- 1.Тўлиқ, шунингдек, агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи.
- 2.Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи.
- 3.Солиқ тўловчининг идентификацион рақами.
- 4.Жойлашган эри (почта манзили), шунингдек рўйхатдан ўтган офисининг манзили ва бош офисининг манзили, агар у биринчисидан фарқ қилса.
- 5.Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар.
- 6.Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати.
- 7.Имзо ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисида маълумотлар.
- 8.Юридик шахс таъсисчилари (йирик акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда юридик шахснинг устав фонди (капитали)даги уларнинг улушлари тўғрисида маълумотлар.
- 9.Рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар.
- 10.Юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар.
- 11.Телефон рақамлари.
- 12.Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.
- 13.Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.
- 14.Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш асослари.
- 15.Банк томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чоратadbирлар натижалари.
- 16.Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана — банкдаги биринчи банк ҳисобварағи (омонати) очилган сана.
- 17.Мижоз анкетаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
- 18.Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг муовини) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.

19. Қоғоз шаклидаги миждоз анкетасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги миждоз анкетасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.

20. Ички сиёсатда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

«ANOR BANK» Акциядорлик жамиятининг
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва
оммавий қирғин куролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш ҳамда санкциявий
хатарларни олдини олиш бўйича ички назорат сиёсатига
3-илова

Хусусий тадбиркорлар учун мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотлар

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки идентификацияловчи ИД-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа хужжат реквизитлари: хужжат церийаси ва рақами, хужжат берилган сана, хужжатни берган орган номи.
6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.
7. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи.
8. Фаолият амалга ошириладиган жой (юримдик манзил).
9. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар.
10. Фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд гувоҳномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар: фаолият тури, лицензия рақами, берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати.
11. Телефон рақамлари.
12. Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.
13. Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.
14. Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш асослари.
15. Банк томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.
16. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана — банкдаги биринчи банк ҳисобварағи (омонати) очилган сана.
17. Мижоз анкетаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
18. Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг муовини) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.

19. Қоғоз шаклидаги мижоз анкетасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги мижоз анкетасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.

20. Ички сиёсатда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

«ANOR BANK» Акциядорлик
жамиятининг жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш
ҳамда санкциявий хатарларни олдини олиш
бўйича ички назорат сиёсатига
4-илова

**Мижоз анкетасида кўрсатилган маълумотларни лозим даражада текшириш учун
амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

Очиқ манбаларда ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган ёки мижоздан олинган
мижоз ҳақида қўшимча тасдиқланган маълумотларни тўплаш ва ёзиб олиш.

Мижоздан у томонидан амалга оширилган операциялар учун пул маблағлари манбалари
ёки бошқа мол-мулк тўғрисида қуйидаги маълумотларни олиш:

юридик шахс акциядорлари (таъсисчилари) йиғилишининг қарори асосида олинган
дивидендлар ёки фойда;

юридик шахс акциядорлари (таъсисчилари) йиғилишининг қарорига кўра устав
жамғармасининг (капиталининг) камайтирилиши натижасида олинган пул маблағлари;

юридик ёки жисмоний шахслардан олинган молиявий ёрдам, қарзлар ёки бошқа
маблағлар;

электрон ҳамёнлар орқали бошқа банклар томонидан чиқарилган карталардан
фойдаланган ҳолда бошқа жисмоний шахслардан жисмоний шахсларнинг пластик карталарига
ўтказилган маблағлар;

мулк, товарларни (ишлар, хизматлар) сотишдан мижознинг пластик картасига тушган
маблағлар;

қонунда белгиланган бошқа тушумлар.